

“Ўзпаравтотранс” акциядорлик жамияти
Акциядорларининг навбатдан (йиллик) умумий йиғилишининг
баённомасидан кўчирма

Қараулбозор шаҳри.

“ 30 ” сентябр 2020 й.

Жами овоз берувчи акциялар сони – 393 486 дона
Жами акциядорлар сони - 1047 киши

Санок комиссияси вакили С.Икромовнинг хисоботига кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида жами қатнашган акциялар сони – 319 710 дона, жами қатнашган акциядорлар сони - 25 киши ва умумий йиғилиш кворуми – 81,25 фоизни ташкил этганлигини ва йиғилиш ўтказилишига ваколатли эканлигини айтиб ўтди.

К У Н Т А Р Т И Б И:

10. “Ўзпаравтотранс” АЖ бошқарув раисини молия бўйича ўринбосари лавозимига танлов асосида сайлаш.

Кун тартибида куйилган унингчи масала бўйича йиғилиш раиси Ж.Р.Ахмедов сўзга чиқди. Ўз нутқида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини химоя қилиш тўғрисидаги” қонунининг 79-моддасига асосан – “... Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра жамият директорини ёки бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади” деб белгиланганлигини такидлаб ўтди.

Бундан ташқари жамият ижроия органи таркибига кирувчи – Бошқарув раисининг молия бўйича ўринбосари лавозимини вақантлигини инобатга олган ҳолда ҳамда қонун талабларидан келиб чиқиб юқори малакали, тегишли билим ва иқтисодий тажрибага эга бўлган мутахасисларни саралаш йўли билан танлов асосида ишга жалб этиш мақсадида жамияти Кузатув кенгаши томонидан ўрнатилган тартибда танлов ташкил этилди ва жорий йилнинг 9 сентябр куни номзодларни дастлабки танлови ўтказилди ҳамда 3-та танланган номзодларни «Ўзпаравтотранс» АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан танлов асосида сайлаш бўйича таклиф киритилганлиги тўғрисида айтиб ўтилди.

«Ўзпаравтотранс» АЖ бошқарув раисини молия бўйича ўринбосари лавозимига танлов асосида сайлаш учун кўйидаги учта номзодлар Дустов Жавхар Равшанович, Сафаров Хакберди Рашид угли ва Юлдошев Исроил Юсупович корхонани ривожлантириш бўйича ўзларини бизнес-режалари ва бошқа таклифларини тақдимот этиш мақсадида таклиф этилди.

Йиғилиш раиси юқоридаги номзодларни номзодларни тақдимотларини муҳокамасидан сўнг жамият бошқарув раисини молия бўйича ўринбосари лавозимига танлов асосида сайлаш масаласини овозга қуйди.

Санок комиссияси хисоботига мувофиқ, кун тартибида куйилган унингчи масаласи бўйича акциядорлар навбатдати (йиллик) умумий йиғилиши бир овоздан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. “Ўзпаравтотранс” АЖ бошқарув раисини молия бўйича ўринбосари лавозимига танлов асосида Сафаров Хакберди Рашид ўғли сайлансин** (паспорт АА 1265944, 05.07.2019, Бухоро туман ИИБ, манзил Бухоро вилояти, Жондар тумани).
- 2. “Ўзпаравтотранс” АЖнинг Кузатув кенгаши раиси қонунчилик билан ўрнатилган тартибда Сафаров Х.Р., 2020 йил якунлари бўйича бўлиб ўтадиган жамият кузатув кенгашини йиғилишигача бўлган муддатга меҳнат шартномаси тузиш топширилсин.**

Умумий йиғилиш котиби:



Махмудов А.У.